

2010 йил - Баркамол авлод йили

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

*** № 1 (180) *** 2010 YIL, YANVAR ***

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

«Жондан азиз фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол, энг замонавий, XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.»

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИДАН.



ЯНВАРЬ							ФЕВРАЛЬ							МАРТ						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
4	5	6	7	8	9	10	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
11	12	13	14	15	16	17	15	16	17	18	19	20	21	15	16	17	18	19	20	21
18	19	20	21	22	23	24	22	23	24	25	26	27	28	22	23	24	25	26	27	28
25	26	27	28	29	30	31								29	30	31				
АПРЕЛЬ							МАЙ							ИЮНЬ						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
5	6	7	8	9	10	11	3	4	5	6	7	8	9	1	2	3	4	5	6	7
12	13	14	15	16	17	18	10	11	12	13	14	15	16	14	15	16	17	18	19	20
19	20	21	22	23	24	25	17	18	19	20	21	22	23	21	22	23	24	25	26	27
26	27	28	29	30			24	25	26	27	28	29	30	28	29	30	31			
							31													
ИЮЛЬ							АВГУСТ							СЕНТЯБРЬ						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
5	6	7	8	9	10	11	2	3	4	5	6	7	8	1	2	3	4	5	6	7
12	13	14	15	16	17	18	9	10	11	12	13	14	15	13	14	15	16	17	18	19
19	20	21	22	23	24	25	16	17	18	19	20	21	22	20	21	22	23	24	25	26
26	27	28	29	30	31		23	24	25	26	27	28	29	27	28	29	30	31		
							30	31												
ОКТАБРЬ							НОЯБРЬ							ДЕКАБРЬ						
Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
4	5	6	7	8	9	10	8	9	10	11	12	13	14	6	7	8	9	10	11	12
11	12	13	14	15	16	17	15	16	17	18	19	20	21	13	14	15	16	17	18	19
18	19	20	21	22	23	24	22	23	24	25	26	27	28	20	21	22	23	24	25	26
25	26	27	28	29	30	31	29	30						27	28	29	30	31		



Институт ректорати, Касаба уюшмаси, Хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати барча профессор-ўқитувчилар, азиз талабаларни янги 2010 - Баркамол авлод йили билан муборакбод этади.

14 ЯНВАРЬ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ВАТАН ҲИМОЯСИ - МУҚАДДАС БУРЧ

Истиклол! Қанчалар жарангли, қанчалар мазмундор чуқур фалсафий тушунча. Оллоҳга минг шукурлар бўлсинки боболаримиз орзу қилган соф ҳаволи, гўзал табиатли, серунум тупроқли, мустақил дёрда яшаймиз. Ушбу буюк орзуга эришиш илинжида миллати, юрти озодлигини истаб, улкан мақсадлар йўлида қанчадан-қанча аждодларимиз жон фидо қилдилар. Уларнинг ёрқин хотираси, буюк сиймоси ҳамisha қалбимизда яшайди. Шундай экан биз ёшлар ҳамisha уларнинг рухларини шод қилиб, уларнинг мардонавор фаолиятдан ўрнак олиб, аждодларимизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим.

Президентимиз ташаббуси билан бугунги кунда биз ёшларга улкан имкониятлар эшиги очиб берилди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, Президентимиз ва халқимиз орзу қилган баркамол авлод бўлиб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳизмат қилиш бизнинг бурчимиздир.

Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватани ҳимоя қилиш доимо муҳим масала ҳисобланган. Соҳибқирон Амир Темури бобомиз "Аскар бакуват эл

кудратли бўлур, кудратли элнинг аскари бакуват бўлур" деган эдилар. Бугунги кунда ҳам Президентимиз ташаббуси билан Ватанимизнинг асл ҳимоячилари бўлган ҳарбийларга катта эътибор қаратилмоқда. Мустақил юртимизнинг куч кудратини мужассам этган миллий армиямизнинг ташкил топган куни "14-январь - Ватан ҳимоячилари куни" юртимизда ўзгача кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Миллий армиямиз сафида буюк сиймоларимиз Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темури Малик каби Ватан фидоийларининг муносиб авлодлари ҳизмат қилаётганидан қалбимиз фахр ва ифтихорга тўлади.

Бугунги кутлуғ сана билан Ватан ҳимоячилари бўлган институтимиз профессор-ўқитувчилари, устозларимиз ҳамда талабаларни педагогика факультети жамоаси номидан муборакбод этамак!

Гулмира РАСУЛОВА,
бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши 1-босқич талабаси.

ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 17-декабрдаги 471-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 14 январь - Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб талабалар турар жойида тадбир уюштирилди.

Институт маънавий-маърифий ишлар про-ректору А.Тангиров талабаларни 2010 - Баркамол авлод йили ва Ватан ҳимоячилари куни билан табриклаб, талабалар ахлоқ-одоби, устоз-шогирдлик маданияти ҳақида гапирди.

Хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Абдувалиева қизларимизнинг шарқона одоб-ахлоқи ва гўзаллиги, айниқса муомала ва кийиниш тартиб-қоидаларига тўхтади. Шунингдек, давра суҳбатида талабалар турар жойи директори О.Холбеков, "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Ф.Ақчаев сўз олиб талабаларга Баркамол авлод йили муносабати билан берилётган катта имконият ва имтиёзлар ҳақида гапирди.

Тадбир сўнгида талабаларга институт касаба уюшмаси ва "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилотининг эсдалик совғалари топширилди ва талабалар дастурхонига ош тортилди.

И.УМАРОВ

ФАҲРИМИЗ ВА ТАЯНЧИМИЗ

14 январь - Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда институт профессор-ўқитувчилари, кўп сонли талабалари иштирок этдилар.

Институт ректори, профессор О.Дўсматов тантанали йиғилишни кириш сўзи билан очди ва институт жамоасини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади. Бошланғич таълим услубияти кафедраси доценти Н.Усмоновнинг "Миллий армия - тинчлик ва осойишталик ҳимояси кафолати" мавзусида маърузаси тингланди. Шунингдек институт "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Ф.Ақчаев "Армия - менинг фахрим ва таянчим" мавзусида маъруза қилди.

Тантанали йиғилишда институтда меҳнат қилаётган афғон уруши ва Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда қатнашганларга институт маъмурияти ва жамоат ташкилотлари номидан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир сўнгида бадийий қисм намойиш этилди.

Ф.ҚУШНАЗАРОВ

Педагогика факультетида «Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш» (илмий раҳбар профессор Тўракулов Х.А.) мавзусидаги илмий семинар фаолият юритиб келмоқда. Семинар илмий ва илмий-педагог ходимлар тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Олий ўқув юртида тадқиқот ишлари билан шуғулланмайдиган ўқитувчи ўз фаолиятини замон талаблари даражасида юргиза олмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам олий ўқув юрти ўқитувчиси доимо ўз устида ишлаган ҳолда илмий тадқиқот ишлари олиб бориши лозим. Бу борада Педагогика факультетида 2009 йил давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Факультетга қарашли Бошланғич таълим услубияти, Педагогика ва Психология кафедраларида 43 нафар профессор-ўқитувчилар илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келмоқдалар. Шун-

роларлар барча фанлардан номзодлик минимумларини топширганлар. Уларнинг номзодлик диссертациялари тўлиқ тугалланган бўлиб, «Педагогика фанининг

ланган бўлиб, ихтисослашган кенгашга топширилган.

Кафедра ўқитувчиси Ш.Х. Камолова томонидан «Шахс интеллектуал камолотида илмий дунёқарашни юксалтириш технологиясидан фойдаланиш» номли ўқув-услубий қўлланма чоп этирилди.

Бошланғич таълим услубияти кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари муаммоси «Бошланғич таълимда интеграция ва уларнинг умумтаълим мактаб-


ИЛМИЙ СЕМИНАР САБОҚЛАРИ

Педагогика факультетида 2009 йил давомида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ҳақида

ИСТИҚБОЛЛИ ПЕДАГОГИКА АСОСЛАРИ

долзарб муаммолари ва таълимни технологиялаштириш» номли илмий семинар ва кафедранинг қўшма йиғилишида дастлабки муҳокамадан ўтказилган ҳамда диссертациялар ихтисослашган кенгашга топширилган.

Кафедранинг бош мавзуга оид илмий тадқиқотларнинг мултимедия кўринишдаги ахборот технологиялар устида ишлаш давом этмоқда. Масалан, кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан «Кадрият», «Адабиёт гулшани», «Тил сеҳри», «Иммунитет», «Ахлоқ» номли компьютерли тизимлар тайёрланган.



Кафедра фан номзодлари Н.Х. Кушвақтов ва С.Т. Аликуловлар докторлик диссертациялари устида иш олиб бормоқдалар. Жумладан, Н.Х. Кушвақтов «Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда маънавий кадриятлардан фойдаланишнинг узлуксизлигини таъминлаш технологиялари» мавзуси устида иш олиб бормоқда.

Кафедра ўқитувчиси Д.Р. Фарсаҳонова «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилган «Педагогик грантлар дастури-2008» танловида «Талабаларга ахлоқий тарбия бериш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолиб деб топилди ва диплом билан тақдирланди.

2009 йил давомида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 7 та ўқув ва услубий қўлланма тайёрланди, ОАК эътироф этган журналларда 7 та, чет эллардаги халқаро анжуманларда 6 та, республика илмий-амалий конференцияларда 8 та, илмий тўпламларда 12 та илмий мақолалар чоп этилган.

Психология кафедрасининг илмий муаммоси «Ёшларни касбга йўналтиришнинг асослари» деб номланган.

Кафедра барча профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот ишлари мавзулари тасдиқланган. Илмий тадқиқот олиб бораётган муаммо юзасидан йил давомида ижобий самараларга эришиб, қўлга киритилган натижалар ўқув қўлланма ва илмий-услубий мақолалар сифатида эълон қилинган.

Кафедра ўқитувчиларидан О.А. Равшанов, Ш.У. Камолова, Р.Қ. Атамуродовлар барча фанлардан номзодлик минимумларини топширдилар. Уларнинг номзодлик диссертациялари тўлиқ тугал-


лардаги аҳамияти» деб номланган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Кафедра барча профессор-ўқитувчиларининг илмий-тадқиқот ишлари мавзулари тасдиқланган. Илмий тадқиқот олиб борилаётган муаммо юзасидан йил давомида ижодий самараларга эришилиб, қўлга киритилган натижалар ўқув қўлланма ва илмий-услубий мақолалар сифатида эълон қилинмоқда.

Кафедра ўқитувчиси Г.Жуманазарова «Ширин билан Шакар» дostonининг лингвопоэтик таҳлили» мавзусидаги номзодлик диссертациясини химоя қилиб, 2009 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муваффақ бўлди.

Ўқитувчилардан Н.Х. Усмонов ва Г.Х. Жуманазаровлар бугунги кунда докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқдалар.

2009 йил давомида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан 1 та лугат,



1 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма, ОАК эътироф этган журналларда 3 та, чет эллардаги халқаро анжуманларда 5 та, республика илмий-амалий конференцияларда 8 та, илмий тўпламларда 14 та илмий мақолалар чоп этилган.


Йил давомида факультет профессор-ўқитувчилари томонидан 10 та ўқув қўлланма ва 1 та дарслик ҳамда 1 та лугат тайёрланди. Булардан ташқари 177 та мақола эълон қилинди.

Жумладан, «Педагогика фанидан изоҳли лугат» (Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усмонов Н.Х.) «Педагогика» (Ж.Ҳасанбоев, Х.А. Тўракулов, И.Алқаров, Н.Х.Усмонов). «Талабалар маънавий-ахлоқий тарбияси ва унинг ахборот-коммуникацион технологияси» (Тўракулов Х.А., Усмонов Н.Х., Д.Фарсаҳонова), «Талабалар маънавий-ахлоқий тарбиясининг тарихий ва ғоявий асослари» (Тўракулов Х.А., Усмонов Н.Х., Д.Фарсаҳонова), «Ўзбек халқ оғзаки ижодида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари» (Ў.Жуманазаров), «Шахс интеллектуал камолотида илмий дунёқарашни юксалтириш технологиясидан фойдаланиш» (Ш. Камолова), «Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш жараёнини ахборотлаштириш» (И.Тўракулова), «Талабаларга маънавий-

ахлоқий тарбия бериш технологияси» (Д.Фарсаҳонова), «Халқ педагогикаси» (Ҳайдарова Г., Пардаева К., Ғаппаров Б.), «Синф раҳбарлари олиб борадиган тарбиявий ишлар» (Муҳаммадиева С., Пардаева К.), «Миллий тарбиямиздаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатларимиз» (Жуманазарова Д.) каби дарслик ва илмий-услубий қўлланмалар республикада тан олинган илмий ютуқлардир. Булардан ташқари 2009 йилда Ж. Ҳасанбоев, Х.А. Тўракулов, И. Алқаров, Н.Усмоновлар муаллифлигида «Илмий тадқиқот асослари» дарсликлари тайёрланди.

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланган илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳам бир қатор натижаларга эришилди. Факультет профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга ошириш мақсадида олиб борилаётган илмий тадқиқот лойиҳаларда иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, профессор Х.А. Тўракулов Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетидан бажарилаётган «Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий, педагогик ва маънавий-маърифий соҳалар бўйича босқичма-босқич малака ошириш технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида, профессор Х.А. Тўракулов, докторант Н.Х. Усмонов ва аспирант Д.Р.Фарсаҳоновалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш маркази томонидан бажарилаётган «Олий таълим муассасаларида ижтимоий фаол шахсни шакллантиришнинг педагогик технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш» номли фундаментал лойиҳада ҳамда профессор Х.А.Тўракулов, докторантлар Н.Х. Усмонов, Н.Х. Кушвақтов, аспирант Д.Р. Фарсаҳонова, мустақил тадқиқотчилар Х.Н.Фармонов, И.Х. Тўракуловлар Жиззах Давлат педагогика институтидан бажарилаётган «Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг ахборот-коммуникацион технологиялари» мавзусидаги инновацион лойиҳада иштирок этиб келмоқдалар.

Факультетда аъёнага айланган «Фан, таълим, амалиёт» мажмуаси бўйича ҳар йили профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-услубий тўпламлари чоп этилмоқда. Педагогика фанининг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган



профессор-ўқитувчилар, аспирант ва магистрантларнинг илмий-услубий натижалари республика нуфузли журналларида эълон қилинмоқда.

Факультет профессор-ўқитувчилари доимий равишда республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ва Россияда (Чистополь) бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияларда ўз маърузалари билан катнашдилар.

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРИМИЗ — ФАХРИМИЗ

ИБРАТ

Хорижий тиллар факультетининг 4-босқич талабаси Озода Хусанова Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори.

Озода Хусанованинг мақолалари институт, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференциялар тўпламларида чоп этилган. Бадий таржима ва оммабоп мақолалари вилоятимиз газеталарида («Адолат ёлқини», «Камолот кўзгуси», «Марду майдон», «Жиззах ҳақиқати», «Жиззах овози», «Джизакская правда»), республика журналларида чоп этилган.

Инглиз ёзувчиси Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» романини инглиз тилидан



Ўзбек тилига таржима қилди ва у китоб ҳолида нашрдан чиққан.

2009 йил Озода Хусанова Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳибаси бўлди.



Табиатшунослик факультетининг 4-босқич талабаси Сабоҳат Тошпўлатова Улуғбек номидаги Давлат стипендияси совриндори

Сабоҳат Тошпўлатова табиатшунослик факультетининг 4-босқич талабаси. У экология, кимё, ботаника ва методикага оид фанларга алоҳида қизиқиш билан қараганлиги сабабли 2008 йилда талабалар республика фан олимпиадасининг II босқичида «Кимё» умумтаълим фанидан фахрли I-ўринни эгаллаган эди.

Сабоҳат институт, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда 20 дан ортиқ маърузалари билан қатнашиб, тезислари чоп этилган. Айниқса, унинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Биология ва уни ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференциясида маърузаси, конференция материаллари тўпламида «Умумий ўрта таълим мактабларида узлуксиз экологик таълимни ташкил этиш» мавзусидаги мақоласи диққатга сазовордир. Унинг матбуот орқали чоп этилган олтишга яқин илмий, илмий-оммабоп ва бадий

мақолалари мавжуд.

Сабоҳат факультет ва институтнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб, институт «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқаруви кенгашининг аъзоси, 403-гурух сардори. У 2008 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган «Камолот» таълим гранти учун танловнинг республика босқичи голиби бўлди. Шу йили Сабоҳат Тошпўлатова «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Меҳр нури» жамғармаси эълон қилган «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» танловида иштирок этиб республика босқичида голибликни қўлга киритди.

2009 йил Сабоҳат Тошпўлатова ҳаётида ўчмас из қолдирди. У Улуғбек номидаги Давлат стипендияси соҳибаси бўлди.

ШОГИРДЛАР — УСТОЗЛАР ҲАҚИДА

ДИЛ СЎЗЛАРИМИЗ

Билим машъалга қиёсланади. Машъал кўтарган кишининг ўзини ҳам, юраётган йўлини ҳам ёритади. Ана шундай ўзининг илми идроки билан жамоада шоғирдлар орасида хурмат-этиборга эга бўлаётган устозларимиздан бири педагогика факультети мусикий таълим йўналиши «Мусика назарияси ва методикаси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдурасул Норматовдир.

Устоз ёшлигида чуқур илм эгаллаш, олган билимларини эса шоғирдларига ўргатишни орзу қилган бўлса ажабмас. Йиллар мобайнида олган илмлари ва қилган меҳнатлари самараси сифатида бугун у шоғирдлар ардоғида. Тошкент Давлат маданият институтини «Хор дирижерлик» мутахассислиги бўйича 1982 йилда муваффақиятли тамомлаб, Жиззах вилояти ёшларга санъат

соҳасида мукамал билимлар бериш мақсадида Жиззах педагогика билим юртида сабоқ бера бошладилар. Устозимиз билим юрти жамоасида, шоғирдлар даврасида катта обрў топдилар. Устоз Республикаимиз ҳамда собиқ иттифок миқёсда ўтган турли курик-танловларининг лауреати ҳамдир. 2003 йилдан Жиззах Давлат педагогика институтининг мусика назарияси ва методикаси кафедрасида иш фаолиятини давом эттирган устоз энди нафақат мусика яратиш ва уни ижро этиш билан, балки илмий асослаш билан ҳам шуғуллана бошладилар. Бунинг самараси сифатида эса республикаимизнинг турли худудларида, вилоятимизда ўтказилган илмий-

амалий конференцияларда ўз илмий мақолалари билан иштирок этдилар.

Олий тоифали ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси Абдурасул Норматов устозни кўп сонли шоғирдлари номидан янги 2010 йил билан табриқлаб, у кишига меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз. Устоз, умрингиз узун, ризкингиз бутун бўлсин. Доимо шоғирдларингиз ардоғида бўлинг.

**Шоғирдлар номидан:
Зебинисо МУҲАММЕДОВА
мусика йўналиши
3-босқич талабаси**

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МАЗМУНИ

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ - КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛИ

Республикаимизда мутахассис кадрлар тайёрлаш, унинг касбий сифат ва самарадорлигини ошириш борасида сўнгги йилларда кенг қўлланма ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, тайёрланаётган мутахассис кадрларда мустақиллик, ижодкорлик, фаоллик каби ҳислатларни таржиб топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эса ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришни талаб этади.

Олий таълим Давлат стандартлари асосида ишлаб чиқилган янги ўқув режаларида талабаларнинг мустақил таълим олиш шаклига алоҳида эътибор берилган. Мустақил таълимни ташкил қилишда талабанинг вақт бюджетини оптимал тақсимлаш муҳим урин тутади. Бу ерда кафедра ташкилий ва назорат ишлари учун масъул бўлиб, талабанинг вақт бюджетини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишларни мувофиқлаштириб туриши лозим. Ўқитувчилар эса унинг изчил ва мазмунли бўлиши учун жавобгар ҳисобланади. Талабанинг мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини қанчалик ривожланганлигини назорат қилиш ва баҳолаш меъёрлари фаё ҳусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.

Мутахассисларнинг асосий қисми талабаларнинг хафталик ўқув соатлари бюджети 42 соатни, аудитория машғулотлари 28 соатни ташкил этишидан келиб чиқиб аудитория ва ундан ташқари мустақил таълим машғулотлари учун ажратилган вақтлар 50% бўлишини ва мустақил таълим учун ажратилган кунлик вақт 2,5 соатдан ошмаслиги лозим деб ҳисоблайдилар.

Кейинги йилларда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурларини таҳлил қилиш кўрсатмоқдаки, баъзи таълим йўналишлари ўқув дастурларининг янгиланган вариантларида «мустақил таълим» «мустақил иш»га алмаштирилиб хатога йўл қўйилган. Зотан, мустақил иш —бу мустақил таълим олишнинг биргина

шакли бўлиб, мустақил таълим олиш — аудиторияда олинган илмий билимлар сифатини кўшимча адабиётларни ўқиш, курс иш (лойиҳа)ларини бажариш, метрик ва вазиятли масалаларни ечиш каби жараёнларда амалга оширилади.

Мустақил таълим олиш —олий таълим тизимида талабаларнинг мақсадга йўналтирилган ўқув фаолиятидирки, бунда талабаларнинг ўқув фаолияти жараёнида ўқитувчи томонидан мустақил билим олишга йўналтирилади (мустақил ўрганиш учун мавзулар ва адабиётлар тавсия этилади, мустақил иш топшириқлари берилади, ўқув-услубий қўлланмалар тавсия этилади, маслаҳатлар уюштирилади ва бажарилиши назорат қилинади) ва бошқарилади.

Мустақил таълимнинг асосий мақсади —«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»-нинг якуний босқичи талаблари асосида таълим олувчиларнинг мустақиллиги ва фаоллигини ошириш, тафаккурини ривожлантириш, ўзлаштирилган билимларнинг амалиётга тадбиқ этилишини кучайтиришдан иборатдир. Замонавий мутахассиснинг ўз билими ва ҳаётий тажрибаларини ошириб бориши унда шахсий ҳислатларнинг шаклланиши билан даражасига боғлиқ. Ана шундай ҳислатларни шакллантиришда мустақил ишлар муҳим аҳамият касб этади. Мустақил ишлардан кўзланган асосий мақсад аудитория машғулотларида ўзлаштирилган билим ва малакаларни мустаҳкамлаш, янгиликларни ўзлаштириш ва ижодий ишлаш малакасини таркиб топтиришдан иборатдир.

Академик В.А.Сластениннинг фикрича «Мустақил таълим —талабанинг шундай билим олиш фаолиятики, бунда унинг изчил фикр юритиши, ақлий ва амалий операциялари ҳамда ҳаракатларининг изчиллиги ўзига боғлиқ бўлади».

Мустақил билим олиш технологияси ва мустақил билим олиш сабаблари бир-бири билан боғлиқдир: аниқ натижага эриша бўлишига ишонмаслик талабанинг мустақил билим олишдан бошқа ҳар қандай сабабдан кўра кўпроқ кўнгилни совутади.

Мустақил таълим олиш тизимида

ўқитувчи ва таълим олувчи фаолияти мустақил таълим тизимини ҳосил қилувчи омил ҳисобланади. Индивидуал таълим бериш ва мустақил таълим олишда фойдаланиладиган ўқув материаллари (мустақил таълим материаллари) ўқитувчи ва таълим олувчи ўзаро мулоқотининг асосини ташкил этади. Мустақил таълим материалларини ишлаб чиқиш ва уни педагогик амалиётга тадбиқ этиш муҳим педагогик муаммодир.

Талабаларнинг мустақил таълим олиш тизимида мустақил таълим мазмуни унинг асосини ташкил этади. Мустақил таълим мазмунини мустақил таълим материаллари, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолияти ташкил этади. Бунда ўқитувчи ва талаба мулоқоти асосий рол ўйнайди.

Мустақил таълим олишнинг асосий воситаси —бу мустақил таълим материалларидир. Улар узвий боғланган тизим бўлиб, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар ва маъруза матнларидан фарқ қилади. Уларда теран ва мазмундор услубий кўрсатмалар, таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқариш блоки, касбий тайёргарлиги жараёнида мустақил ўқиш мезонлари, унинг ўз-ўзини мустақил ўқишга йўналтириб бориши, ўз-ўзини назорат қилиши, ўз-ўзини намоён этиши ва шахсий билиш фаолияти жараёнида ўз-ўзини баҳолай олиши учун психологик-педагогик тавсиялар мавжуд бўлади. Мустақил таълим материаллари ўқув-услубий қўлланмалари, маъруза матнлари, компьютер дастурлари, аудио ва видео-материаллар, мавжуд аънанавий дарсликлардан фойдаланишга доир тавсиялар, ахборотнинг бошқа манбалари кўринишида бўлади. Мустақил таълим тизими ривожланган сари таълимий материалларнинг роли ўзгариб боради. Мустақил таълим материаллари ишланмаси, одатда, олий таълим муассасаси мутахассислари, яъни ўқув фани бўйича тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

Мустақил таълим мазмуни таълим мазмунига қараганда анча кенг бўлади. Мустақил таълим олиш жараёнида таълим олувчи таълим мазмунини танлаш ҳуқуқи эга. У белгиланган билим ва мала-

кани эгаллашида таълим олувчининг мақсад ва вазифаларини ақс эттиради.

Бу фаолият эса қуйидаги ҳолларда самарали бўлади. Таълим олувчи таълимий ва ўқув материалларидан мустақил фойдалана билса, яъни уларни ажратиб, таҳлил эта олсагина фаолияти самарали бўлади. Бунда таълим олувчининг қуйидаги кўникмалари муҳимдир: илмий ҳужжатлар билан ишлаш, унинг мазмунидаги ўзига хосликни ажрата билиши, ўрганилаётган ҳодиса ва омилларни таснифлай билиши; ўқув материалларини тизимларга солиш, етакчи ғояларни ажратиб олиш ва уларни асослаб бериш; ўқув материалларини тизимларга солиш, етакчи компонентларни ажратиб олиш, улар ўртасидаги тасвирий боғланишларни ва уларнинг дидактик имкониятларини аниқлаш; — мустақил таълим материалларидан фойдаланиш жараёнини, уларнинг тўлдирлиши ва яхшиланишини тартибга солиш.

Кўплаб талабаларнинг илгари мустақил таълим материаллари билан мустақил ишлаш муаммосига ҳеч қачон дуч келмаганини эътиборга олиш лозим. Мустақил таълим материаллари дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалардан фарқли ўлароқ тузилиши жиҳатдан мураккаб характерга эга. Амалиёт кўрсатадики, кўплаб таълим олувчилар таҳсил жараёнида ўзларининг мустақил таълим материаллари билан ишлаш кўникмаларини ҳолис баҳолай олмайдилар. Бу баҳолашлар ҳаммаша шахсий (субъектив) характерга эга. Бу жараённинг ҳолислигини қай тарзда таъминлаш борасида жиддий муаммо чиқади. Бизнинг назаримизда бунинг битта ечими бор. Таълим олувчиларнинг мустақил таълим материаллари билан мустақил ишлаш кўникмасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, белгилаш, асослаб бериш ва ундан фойдаланишни кўрсатиш лозим...

**Камолиддин ЗОЙИРОВ,
тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси кафедраси мудири,
педагогика фанлари номзоди,
100цент**

ШАХМАТ-ШАШКА МУСОБАҚАСИ

2010 "Баркамол авлод йили" муносабати билан институт профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талабалари ўртасида спортнинг шахмат-шашка тури бўйича мусобақа уюштирилди.

Мусобақа институт маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ташкил этилди. Институт ректори, профессор О.Дўсматов голиб спортчиларни ютуқлар билан ҳамда Янги йил

байрами билан табриклар, уларга касаба уюшмасининг эсдалик совғаларини топширди. Қуйида голиб спортчиларнинг рўйхатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

№	Исми ва фамилияси	Иш ва ўқини жойи	Ўрин
Шашка бўйича профессор-ўқитувчилар (эркаклар)			
1	Сувонкулов Абдулахад	БТУ кафедраси	1-ўрин
2	Ғофуров Дийр	Музыка назарияси кафедраси	2-ўрин
3	Қўшмуродов Бекзод	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети	3-ўрин
Шашка бўйича профессор-ўқитувчилар (аёллар)			
1	Эргашева Салима	Касб таълими бўлими	1-ўрин
2	Довурбоева Рисолат	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети	2-ўрин
3	Кенжаева Халима	БТУ кафедраси	3-ўрин
Шашка бўйича талабалар (ўғил болалар)			
1	Йўлдошев Дилшод	Тасвирий санъат	1-ўрин
2	Холикулов Бунёд	Педагогика факультети	2-ўрин
3	Шукуров Суннат	Касб таълими бўлими	3-ўрин
Шашка бўйича талабалар (қизлар)			
1	Дониёрова Дилбар	Ўзбек филологияси факультети	1-ўрин
2	Жўраева Асила	Мактабгача таълим бўлими	2-ўрин
3	Атабоева Хулқар	Педагогика факультети	3-ўрин
Шахмат бўйича профессор-ўқитувчилар (эркаклар)			
1	Бўрибоев Бахриддин	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети	1-ўрин
2	Назаров М.Н.	Физика-математика факультети	2-ўрин
3	Жамолов Турсунбой	Хўжалик бўлими ходими	3-ўрин
Шахмат бўйича талабалар (ўғил болалар)			
1	Қурбонов Рамзиддин	Касб таълими бўлими	1-ўрин
2	Исроилов Шерзод	Хорижий тиллар факультети	2-ўрин
3	Абдувоитов Нодир	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети	3-ўрин
Шахмат бўйича талабалар (қизлар)			
1	Ражабова Соҳида	Педагогика факультети	1-ўрин
2	Маматова Садокат	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети	2-ўрин
3	Исроилова Чарос	Ўзбек филологияси факультети	3-ўрин

ТАЛАБАЛАР ИЖОДИДАН

МУАЛЛИМ

Мақтаб сари қўйганда қадам Илк бор сизга тушди нигоҳим Меҳр тўла кўзларингизга, Термулгандим азиз муаллим! Сабоқ бериб Она тилимдан, Сабоқ бериб кону билимдан. Саодатга бошлаб илмдан, Йўл кўрсатган азиз муаллим! Алифбодан олган сабоғим, Йўлларимга нур бўлди бугун. Сизга таъзим бажо айлаин, Жону-дилим азиз муаллим! Кўзим туша нигоҳингизга, Хаё, иймон, вафони кўрдим. Юриш-туриш либосингиздан, Ўзбекона ибони кўрдим! Тунлар ўйлаб яратгандан мен, Устозларим соғлигин тилай, Тонг сахарлар дуолар қилиб, Яратганга шукурлар қилай!

ЁҒАЁТИР ҚОР

Даракларнинг бутқоқларига, Биноларнинг пештоқларига, Ватанимнинг чўл тоғларига, Оппоқ бўлиб ёғаётир қор! Орзум бўлиб, армоним бўлиб, Оқлик энган жаҳоним бўлиб, Замин тўлиб, осмоним тўлиб, Соғинч бўлиб ёғаётир қор! Само узра, коинот узра, Ишлар тинган далалар узра, Ҳаммаёқни бурқаб-буралаб, Паға-паға ёғаётир қор! Дилларга нур, софлик улашиб, Эзгуликлар, шодлик улашиб, Кўнгилларга ёшлик улашиб, Севинч бўлиб ёғаётир қор! Тиниб қолма ёғавер эй қор, Барча сени соғинган кўп бор, Соғинчларга тўлган дилларга, Меҳр бўлиб ёғаётир қор!

Нафиса МАМАТКУЛОВА,
табиатшунослик факультети 201-гуруҳ талабаси

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Ақл инсонга ўзини безовта қилаётган нарсалардан қутилиш йўлини топиш учун берилган.

Инсоннинг ҳақиқий кучи унинг шиддатида эмас, балки метиндай осойишталигидадир.

Бахт хоҳлаган ишингни хоҳлаган пайтингда қилаверишинг эмас, балки қилаётган ишингни ҳамиша хоҳлаб туришингдир.

Билмасликдан эмас, сохта билагонликдан қочинг. Дунёдаги бор қулфатлар ана шунда.

«МЕРОС» ЖАМОАСИ ҒОЛИБ БЎЛДИ

РЕСПУБЛИКА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИ ОРАСИДАГИ БЕЛЛАШУВДА ИНСТИТУТИМИЗ ҒОЛИБ БЎЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Халқ таълими вазирлиги тизимидаги педагогика институтлари талабалари ўртасида "Энг яхши фольклор жамоаси" Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги буйруғини бажариш бўйича институтда факультетларaro кўрик танлов ташкил этилди.

"Педагогика-психология, МТБС ва мусиқий таълим" бўлимининг "Мерос" талабалар фольклор жамоаси кўрик танловда 1-ўринни олиб республика босқичига йўлланма олди.

Иккинчи босқич Навоий шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Нукус Давлат педагогика институти, Қўқон Давлат педагогика институти, Тошкент вилояти педагогика институти, Навоий Давлат педагогика институти ва Жиззах Давлат педагогика институти жамоалари қатнашиб, институтимиз жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. Жамоамиз "Энг яхши лапар ижрочилар гуруҳи учун", "Энг яхши рақс гуруҳи" ва "Энг яхши оммавий ижро учун" номинациялари бўйича ҳам тақдирланди.

Томошабинлар айниқса "Мерос" ижодий жамоасининг "Шарқ бозори" деб номланган дастурини катта олқиш билан кутиб олдилар. Томоша қадимий Жиззах халқининг касб-хунар, савдо-сотик ва урф-одатлари асосига қурилган. "Шарқ бозори" томошаси сценариясини фольклоршунос, чолғу асбоблари анъанавий ижрочилар кафедраси ўқитувчиси, Ўзбекистон Маданият ишлари аълочиси Р.Саримсоқов материаллари асосида Г.Худойназаров сахналаштирди.

Институт ректори, профессор О.Дўсматов голибликни эгаллаган "Мерос" фольклор жамоасига тантанали суратда эсдалик совғаларини топширди.

Қамолитдин ОЛМОСОВ,
Физика-математика факультети 2-босқич талабаси.
Суратда: "Мерос" жамоаси аъзолари -сахнада.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР

ҲАЙРОНМАН

Бир куни Бухоро амири Абу Али Ибн Синонинг уйида суҳбатлашиб ўтириб, уни синаб кўрмоқчи бўлибди. У хизматчиларга Ибн Сино ўтирадиган курсининг тўртта оёғи тагига тўрт танга қўйиб қўйишни буюрибди. Хизматчилар ҳам амининг айтганини бажо келтиришибди, Ибн Сино уйга кириб, ўз ўрнига ўтирибди ва ҳайрон бўлиб, ҳадеб дам шипга, дам пастга қарайверибди. Шунда амир Абу Али ибн Синога қараб:

— Олимимиз нега бунча ҳайрон қолаётган, сабабини билсак, — дебди.

— Ҳайронман, — дея жавоб қилибди Ибн Сино, — ё менинг ўрним сал юқорига кўтарилган, ё осмон сал пастроққа тушиб, ерга яқинлагандай кўринади.

Амир бу гапни эшитиб, Ибн Синонинг сезгирлигига жуда қойил қолган экан.

ИЛОН ҚАЙТ ҚИЛГАН СУТ

Абу Али ибн Сино ҳар куни эрталаб уйдан чиқаётганида, унинг эшиги олдида беморлар икки

томонга тизилишиб қатор ўтиришар экан. Уйдан чиқиб кетаётган вақтида у бир томонда ўтирган касалларга қараб, улардан ҳол-аҳвол сўрар ва: "Сиз фалон нарса билан касалсиз, бунинг давоси фалон нарса", деб ўтиб кетар экан. Уйга қайтаётганида эса иккинчи томондагиларга қараб, уларнинг касалларига даво бўлдиган нарсани айтиб ўтар экан.

Бир куни у бир беморга жуда диққат билан қараб турибдида, унга лом-мим ҳам демасдан, бошқалардан ҳол сўрагани ўтиб кетибди. Бу ҳолдан бемор жуда ҳафа бўлиб, ҳатто ҳаётдан ҳам умидини узибди. Уйига қайтиб келиб: "Мен шў касалимдан ўлар эканман. Агар ўлмайдиган бўлганимда эди, Ибн Сино сал эътибор бериб қарарди, у бўлса сўрашга ҳам лойиқ кўрмади. Энди гўру қафанимнинг ҳозирлигини кўраверинглар", — дебди.

Шу тариқа бемор ўзининг ўлимини кутиб ётибди. Бир вақт уйнинг бурчагидаги тешиқдан бир захарли илон чиқиб, ўрмалаб келаверибди. Илон уйнинг ўртасида турган бир коса сутга яқинлашиб, сутни ўз

домига тортибди, бир ордан кейин ичган сутини қайтадан косага қайт қилиб ташлабди. Буни кузатиб турган бемор илон инига қайтиб кетгандан кейин, ўзича ўйлаб, бари бир ўлар эканман, тузали-шимданку ҳеч дарак йўқ, кел, шу захарли сутни ичай-да, ўлсам-ўлиб қўя қолай, деган қарорга келибди. Сўнгра у сутни симириб ичибди. Лекин бемор ўлмай, аксинча, тобора тузала борибди. Кундан-кунга тузалиб бораётганини сезган бемор ўзининг ўлмаганини, балки соғлиги борган сари яхшиланаётганини айтиб, эътироз билдириш ниятида Абу Али ибн Сино олдида борибди. Ибн Сино унинг аҳволини кўриб, жуда ҳайрон қолибди ва беморга:

— Сен илон қайт қилган егуликни қачон ва қандай қилиб топдинг? Касалингни давоси захарли илоннинг қайти эди. Уни топишинг иложи бўлмаганидан у куни мен сенинг касалингни ҳам сўраб ўтирмаган эдим, — дебди.

Шунда касал Абу Али ибн Синога қойил қолиб, бўлган воқеани батафсил гапириб берган экан.

Тўпловчи:
Юлдуз АҲМЕДОВА

"ЗИЁ ЧАШМАСИ" ГАЗЕТАСИ ЎҚУВЧИЛАРИГА

"Зиё чашмаси" газетасининг мухлислари-хурматли профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар! Аввало Сизни Янги-2010 йил билан қизгин муборакбод этамиз ва иш фаолиятингиз ва ўқишингизга улкан зафарлар тилаймиз.

Шу билан бирга Сиз азиз газетхонларнинг фикр-мулоҳазаларингиз, талаб ва истақларингизни инobatга олиш ҳамда тахририйатнинг келгуси ижодий режаларида ундан фойдаланиш мақсадида Сизларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қиламиз.

1. 2009 йилда қайси мавзулар ва мақолалар Сизга маъқул бўлди? Сиз яна қайси мавзуларда мақолалар берилишини хоҳлайсиз?

2. Газетамизнинг ҳар бир сонини ўз вақтида оласизми?

3. 2010 йил учун институтимиз ҳаётининг ойнаси бўлган "Зиё чашмаси" газетасига обуна бўлдингизми?

Хат-хабарларингизни кутамиз. Манзил: ректорат, 2-қават, 211-хона.

"ЗИЁ ЧАШМАСИ" ТАХРИРИЯТИ.

ЗИЁ ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институти

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририйат нўқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилоят Маъбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Набатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шўх кўчаси, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти.

"Zamin Print" МЧЖ босмахонасида офсет усулида 6000 нусхада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси, 4-уй. Буюртма № 30. Shaki-A-3.